



## ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗО ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АҲАМИЯТИ

Мирсалихова Гузал Алоутдиновна  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
катта ўқитувчиси

Баҳодиров Акбаршоҳ Алишер ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 316-гурӯх  
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11243924>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> April 2024  
Accepted: 20<sup>th</sup> May 2024  
Published: 22<sup>nd</sup> May 2024

### KEYWORDS

жавобгарлик, айб, ахлоқ  
тузатиш, озодликдан  
маҳрум қилиш, пробацья,  
жиноий жазоларни ижро  
этиш, жарима,  
ижтимоий хавф,  
қонунчилик тизими.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар назарда тутилган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноят қонунчилиги доирасидан четга чиқувчи қатор вазифалар қатори озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгайтириш юзасидан фикрлар ҳам таҳлил этилган.*

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати, уларнинг дахлсизлик ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида, халқаро принциплар асосида мустаҳкамлаб кўйилди. Ушбу жараённинг амалий тасдиғини сўнгги йилларда давлат бошқарув жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг самарадорлигини янада ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиш ва мустаҳкамланишини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан халқаро андозаларга мос қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, мазкур жараён доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг қабул қилиниши эса ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштирилишига сабаб бўлди десак муболаға бўлмайди. Қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги “Пробацья хизмати фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли буйруғи қабул қилиниб, Пробацья хизмати ташкилий тузилмаси ҳамда Пробацья хизмати тўғрисида Низом тасдиқланди.

Илгари ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекциясидан фарқли ўлароқ, Пробацья хизмати ташкил этилгандан кейин мазкур йўналишда бир қатор ўзгаришлар кузатилди.

Авваллари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга, судлар тайинлаган жазоларнинг ижро этилиши ички ишлар органлари томонидан назорат қилиб борилган бўлса, ҳозирги кунда, пробация хизмати ташкил этилиб, ушбу хизмат тайинланган жазоларнинг ижросини назорат қилиш билан бирга, жизо тайинланган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқишга ва ишга жойлаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш, энг асосийси, шахсни тарбиялаш масалаларига асосий эътиборни қаратмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони енгилроғи билан алмаштириш муайян жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу фаолият натижасида мамлакатимизда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилган ва бу орқали назорат остидагилар томонидан қайта жиноят содир этилиши камайишига эришилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жамоатчилик билан алоқалар маркази томонидан, судлар томонидан 2023 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан берилган ахборотга назар ташлайдиган бўлсак, 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 73797 нафар шахсга нисбатан 58418 та жиноят иши кўриб чиқилган ва 1244 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинган.

Судланган шахслар сони 55763 нафарни ташкил этиб, шундан 17396 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 37077 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1290 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 49297 нафари эркак, 6466 нафари аёл, 20922 нафари ёшлар (шу жумладан 1911 нафари вояга етмаган) ва 2123 нафари 60 ёшдан ошган шахслар. 7362 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамоқдан озод қилинди, 33612 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12286 нафарига тайинланган жазоси енгилли билан алмаштирилди ва 13522 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланган. 272 нафар шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 14698 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 8 586 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Апелляция тартибида 15720 нафар шахсга нисбатан 10843 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1715 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 3556 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 5855 нафар шахсга нисбатан 5130 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1143 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 509 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Шунингдек, кассация инстанциясида 467 нафар шахсга нисбатан 402 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 288 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 121 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Маълумки, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари бўйича чиқарилган суд ҳукм(ажрим)ларининг ижросини таъминлаш мақсадида маҳкумлар жиноятларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси шунингдек, маҳкумларнинг шахси ва ҳулқ-атворига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Яъни, тегишли соҳа вакиллари олдида назорат остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир қилинишининг олдини олиш учун ижтимоий мослаштириш ва касб-хунарга йўналтириш борасида бир қатор вазифалар юклайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 октябрь кундаги - 25 октябрь-Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кун муносабати билан йўллаган табригида: “Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган ва жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда ҳам ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бу йўналишда илгариги жазони ижро этиш инспекцияси ўрнига пробацция хизматини ташкил этдик. Ушбу хизмат маҳкумларни зарур касб-хунарларга ўқитиш ва тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, энг асосийси, иш берувчилар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда” деб такидлаб ўтган эди.

ИИО лари пробацция хизмати фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, 2021 йил 3 февраль кундаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган - 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг - Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг 30-бандида халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этган ҳолда жазони ижро этиш ва пробацция хизматини янада такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Жумладан:

- пробацция хизмати марказий ва ҳудудий маҳкамалари мақомини ошириш, ушбу хизматнинг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳулқ-атворини назорат қилиш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш;
- пробацция назоратидаги шахсларнинг хаттиҳаракатларини, уларга электрон браслет воситасини таққан ҳолда, реал вақт режимида электрон кузатиш ва мониторинг қилиш тартибини жорий қилиш;
- пробацция фаолияти|| таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- ҳокимликлар ҳузуридаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари белгиланган;
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик, ижтимоий-маиший таъминот ва иш билан таъминлаш фаолиятини тайёрлаш, прогнозлаш ва режалаштириш;
- рецидив ва такрорий жиноятлар сонини камайтиришга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини кучайтириш.
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкил этиш ва таъминлаш, тегишли тартибда кийим-кечак, озиқ-овқат ва турар жой учун бир марталик тўланадиган нафақа пули бериш орқали уларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш;
- мақбул ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, соҳа мутахассислари (психолог, тиббиёт ходими, ҳуқуқшунос ва бошқалар)дан ёрдам олиш, зарур ҳолатларда даволанишга, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар уйларига йўлланмалар бериш;

– реабилитация қилишда, уй-жой ва маиший ҳамда бошқа ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилишда, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар олишда ёрдам кўрсатиш.

Пробация хизмати фаолиятининг механизмларини такомиллаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш тартибини жорий этиш, айниқса, уларнинг «ижтимоий-психологик портрети»ни тузган ҳолда ўрганиш, шунингдек, бу жараёнларда мутахассис-психологларни тайёрлаш, пробация бўлинмаларига мутахассис-психологларни жалб этиш тизимини йўлга қўйиш зарурати юзага келиб, қарор асосида 2020 йил 1 мартдан бошлаб назорат остидагиларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, юридик йўналишдаги ОТМлар таълим дастурларига назорат остидагиларнинг психологик портретини ўрганиш бўйича махсус мавзулар киритилди ҳамда тегишли ОТМларда психология йўналишида таълим олаётган курсант, тингловчи ва талабаларнинг пробация бўлинмаларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори асосида, мамлакатимизда Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйилиб, ушбу қарор асосида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат таълим йўналишида, Пробация фаолияти йўналиши бўйича мутахассислар етиштириб берилиши ташкил этилди.

Пробация бўлинмалари ходимларини Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига рағбатлантириш, пробация бўлинмаларининг юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишфаолияти механизми тасдиқланиб, ҳозирги кунда пробация бўлими ходимлари Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.04.2022 йил кунидаги ПҚ-207-сонли қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг айрим бандларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, қарорининг 6-бандида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан шакллантириладиган Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш 100 фоиз этиб алмаштирилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаб уларни ижтимоий мослаштириш орқали ахлоқан тарбиялаш, қайта жиноят содир этишини олдини олиш ва соғлом ҳаёт турмуш тарзига қайтариш имконияти яратилди. Пробация назоратидаги шахслар билан манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича – “Темир дафтар”, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га назорат остидаги шахслар киритилиб уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилиши белгиланди. Бугунги кунда пробация хизмати том маънодаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига айланиши керак. Бу пробация тузилмасининг фаолияти тўлалигича фуқароларнинг ҳуқуқлари ва

эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиши лозимлигини аниқлатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар;

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsyasi. 2024 у. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6445145>.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Жамоатчилик билан алоқалар маркази ахбороти. <https://sud.uz/news-2024-01-09-1/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4045443>.
5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
6. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
7. Убайдуллаев К. Н. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштириш давр талаби //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 194-197.
8. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучения модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.
9. Aliqulovich T. A., Atxam o'g'li M. X. Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o'tkazish jarayonidagi ishtirokining oziga xos xususiyatlari //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 24. – С. 230-235.
10. Убайдуллаев К. Н. Содействие граждан оперативным подразделениям органам внутренних дел как основа оперативно-розыскной деятельности //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 63-72.
11. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 11/S. – С. 95-102.
12. Anarbayev I. I. Analysis of the legislation of foreign countries on the production of cases of administrative offenses //Инновационные исследования в науке. – 2022. – Т. 1. – №. 16. – С. 4-8.
13. Таштемиров А., Хўжамбердиев А. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 4-12.
14. Анарбоев И. И. Транспорт воситасини олиб қочишнинг тушунчаси //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 13. – С. 164-170.
15. Таштемиров А., Комилов А. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.
16. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.